

Тәлим-тәрбияның тийкаргы мақсети - хәр бир жеке шахста жоқары әдеп-икрамлық пазыйлетлерди қәлиплестириўден ибарат. Әдеп-икрам болмаса, инсан жәмийетлик шахс дәрежесинде қәлиплеспейди. Әдеп-икрам инсанның өмирге өзін-өзи танытыў өлшемлерин, басқалар менен қатнасықта болыў мәдениатын, хадал ислеп туўры турмыс кешириў өлшемлерин белгилейди.

Инсан шахсының байлығы, искерлиги ең дәслеп мийнет етиў ис-хәрекеті тараўында жүзеге келеди. Мийнет тараўындағы искерлик шахс искерлигининг басқа барлық формаларына қарағанда тийкаргы белгилеўши болып табылады. Себеби инсанның усы тараўда алған билими, арттырған тәжірийбеси хәм маманлығы хәм т.б. ис жүзинде қолланылады, көзге түседі.

Хәзирги күндеги әхмийетли ўазыйпаларды әмелге асырыўдың зәрурлиги шәртлерининг бири - инсанның руўхый қалатын өзгерттириўден ибарат. Инсанның санасын, жәмийетлик руўхын нызам шығарыў жолы менен де, буйрық бериў тийкарында да қайта қурып болмайды. Инсан руўхы қайтадан қурылып, жаңаша пикирлеў хәм ислеў тилегин пайда етпесе, экономикада, басқарыўда, тәрбияда, жәмийетлик бағдарда қандайда бир нәрсени өзгерттириў мүшкил.

Хәзирги күндеги ең тийкаргы, ең әхмийетли ўазыйпа-жәмийет ағзаларын, соның ишинде ең алды менен ер жетип өсип қиятырған жас әўладты қамалға келтириў, олардың жүрегінде миллий идеяны, өз ўатанына садықлық туйғыларын оятыў, өзлигин аңлаў, миллий хәм улыўма цивилизациялық қәдириятлар руўхында тәрбиялаўдан ибарат. Адамлардың санасын, дүньяға көз қарасын өзгертпей турып жәмийетте жүргизилип атырған реформалардан гөзленген мақсетке ерисиў қыйынға соғады. Сонлықтан да елим-

изде тәжірийбесиз жас әўладқа миллий идея тийкарында миллий тәрбия бериў айрықша дыққат орайында турыпты.

Мәнаўий жетик инсан миллет, ўатан ушын жаны ашып қайғыратуғын, миллий санасы раўажланған шахс болып табылады. Миллий сана-миллий мәлпер-мәлперди өзінде сәўлендирген руўхыйлық болады. Миллий сананың қәлиплесиўи әдеўир қурамалы процесс болып, ол миллий мәденият тийкарында қәлиплесиўи, раўажланыўы мүмкин. Миллий мәденият қаншама жетиліскен болса, миллий сананың қәлиплесиўи ушын имканиятлар сол дәрежеде кең болады.

Физикалық жақтан саў-саламат қуўатлы, мәнаўий жақтан жарлы болған адамлар этирапындағы инсанлар ушын пайдаға қарағанда зыяны көбирек болады. Айырым жағдайларда физикалық жақтан саў, бирақта мәнаўий жақтан әззи болған жаслардың жынайтшылық жолына түсип кетип атырғаны да сыр емес. Инсанның мәнаўий жетилисиўинде физикалық тәрбиядан тысқары ақыл тәрбиясының, сондай-ақ эстетикалық, әдеп-икрамлық тәрбияның да әхмийети жоқары екенлиги мәлим. Хәр қандай билим, исеним, әдеп-икрамлық пазыйлетлер ўатанды сүйиўшилиқ пенен тығыз байланыслы болған жағдайда ғана жәмийетлик раўажланыўға тәсир ететуғын күшли мәнаўий факторға айналады. Бүгинги күндеги ең әхмийетли ўазыйпа-жасларда ўатанды сүйиўшилиқ, миллий мақтанш сезимлерин қәлиплестириўди улыўма билим бериў мектеплери, орта арнаўлы кәсиплик билим бериў тараўларында алып барылып атырған тәлим-тәрбия жұмыслары системасының тийкаргы мақсетине айландырыў болып табылады.

Әдебиятлар

1. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори. -Т.: «Шарқ», 1998.
2. Абу Носир Фаробий. Фозил одамлар шахри. -Т.: 1993.
3. Юсупов Е. Маънавият асослари. -Т.: 1998.
4. Қодиров Б. Комил инсон тарбиясининг педагогик асослари. -Т.: «Мехнат», 2001.

РЕЗЮМЕ

Мақолада баркамол авлод тарбиясида миллий маънавий тарбия, миллий-маданий меросларимиз, Ўрта Осиё алломаларининг одоб-ахлоқ ҳақидаги фикрлари, қадриятлар, одоб-ахлоқ масалалари кўриб чиқилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются проблемы национального духовного воспитания подрастающего поколения национально-культурного наследия. Автор статьи приводит высказывание мыслителей Средней Азии о национальных ценностях и нравственности.

SUMMARY

The article deals with the issues of national-spiritual education of young generation and national-cultural heritage. It contains the ideas of the great thinkers of Central Asia about national values and moral.

ТЕХНОГЕН ЦИВИЛИЗАЦИЯ ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИНИНГ ИЖОБИЙ ВА САЛБИЙ НАТИЖАЛАРИ

Ж.А.Очилов - мустақил илмий тадқиқотчи

Самарқанд давлат университети

Таянч сўзлар: техноген цивилизация, детерминлаштирувчи омиллар, технологик детерминизм, аномал глобаллашув, техноген цивилизация глобаллашуви, инсонпарварлаштириш, янги гуманизм, техноген цивилизация парадигмиси, гуманистик қадриятлар, цивилизациялар глобаллашуви, эффектив глобаллашув.

Ключевые слова: техногенная цивилизация, новый гуманизм, глобализация техногенной цивилизации, гуманизация, парадигма техногенной цивилизации, гуманистические ценности, технологический детерминизм, детерминирующие факторы, глобализация цивилизаций, эффективная глобализация, аномальная глобализация.

Key words: technogenic civilization, determinating factors, anomal globalization, globalization of technogenic civilization, humanization, new humanism, paradigms of technogenic civilization, humanistic values, technological determinism, globalization of civilizations, effective civilization.

Бугун замон ўзгармоқда, унинг талаби, олдимизга қўётган вазифалари тобора ортиб бормоқда.

Шавкат Мирзиёев

Бугунги кунда жаҳонда: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларда кечаётган глобаллашув жараёнлари, бугун инсоният қадриятлари мўлжалларини, цивилизация тақдирини у ёки бу томонга ўзгартириш учун зарур шарт-шароитлар

yaratmoqda. Shuning uchun globalashuv jarayonining ijobiy natijalarini — ommlashitirish, salbiy oqibatlarini — bartaraf qilish muammoalari echimini topish, jahon ham jamiyati diqqat-этибори марказига қўйилмоқда. Хусусан, техноген

цивилизация натижалари трансформацияси дунёдаги барча халқлар ва миллатлар учун, бир томондан, прогрессив фан, интеллектуал салоҳият, техника, технология ютуқларидан, замонавий ахборот воситаларидан фойдаланиш – умуминсоний, интегратив-глобал қадриятлар шаклланишини, иккинчи томондан, айнан шу воситалардан муайян сиёсий-мафкуравий утилитар-меркантил манфаатларга мос фойдаланиш – антигуманистик, ғайриахлоқий “оммавий маданият” таҳдиди эскалациясини кучайтириб юбормоқда. Бундай шароитда, унинг трансформацияси умуминсоният маънавиятига, цивилизацияси истикболларига ижобий ва салбий таъсир имкониятларини, усулларини, ривожланиш тенденцияларини: “эҳтиёж–мақсад–манфаат–восита–натижа” тизими элементлари муносабатини: маҳаллий, миллий, ҳудудий ва глобал даражалар контекстида ўрганиш муҳим назарий, методологик ва амалий аҳамият касб этади.

Техноген цивилизация глобаллашуви мақсадида ҳам, воситаларида ҳам, натижаларида ҳам, бир-бирига тубдан қарама қарши ижобий ва салбий жиҳатлари асосида – жамиятни ташкил қилган ижтимоий бирликлар манфаатлари муқобиллиги ётади. Шу нуқтаи назардан, техноген цивилизация натижалари трансформацияси ва глобаллашувининг ижобий ёки салбий оқибатларини, жамиятга таъсир йўналишларини, функционал аҳамиятига кўра: этиканинг–эзгулик ва ёвузлик, харизматизм ва эгоизм; эстетиканинг–ғўзаллик ва хунуклик, иқтисодиётнинг–фойда ва зарар, сиёсатшуносликнинг–прогресс ва регресс, агрессия ва компромисс, идеологиянинг – бунёдкорлик ва вайронкорлик каби категориялари контекстида ўрганиш, унинг мазмуни, моҳияти ҳақида, нисбатан тўлиқ тасаввурларни шакллантиради.

Фалсафий адабиётларда техноген цивилизация глобаллашуви ижтимоий феноменига муносабатда муқобил: радикализм ва либерализм ёндашувлари кузатилмоқда. Яъни, биринчи йўналишга–радикализм оқимида мансуб олимлар глобаллашувни янги типдаги жаҳон уруши ёки унинг авж олиши “оммавий маданият”ни шакллантириши, миллатларни маънавий қашшоқлашувга, инкирозга олиб келиб, уларни ўзлигини англамайдиган манқуртларга – маргиналларга айлантириш имконияти [2:201], деган пессимистик хулосалар устуворлик қилса, иккинчи – либерализм таълимотларида техноген цивилизация натижалари трансформацияси ва глобаллашув жараёни – инсониятнинг умумий ривожланиш қонунияти, унинг келажақ истикболини таъминлаш имконияти тарзида изоҳланади.

Ҳозирги даврда техноген цивилизация глобаллашув жараёнига нисбатан шаклланган жаҳон илмий жамоатчилик фикрини, тубдан қарама-қарши бўлган: глобалистлар ва антиглобалистларга ажратишни ҳам, унинг натижаларига муайян манфаатлар асосида ёндашувнинг намоён бўлиши тарзида қаралиши керак. Лекин техноген цивилизация трансформацияси ва унинг глобаллашуви натижаларига муайян манфаатларга кўра ёндашишлар, уларга нисбатан муқобил муносабатларга асосий сабаб бўлса ҳам, баҳолашнинг умуминсоний мезонлари (халқаро ҳуқуқ нормалари, маънавий-ахлоқий тамойиллари) шаклланган ва ҳар қандай тарихий даврда ўзига хос тарзда намоён бўлган. Бу мезонларни конкрет тарихий замон ва ижтимоий маконнинг: иқтисодий ривожланиш даражаси, сиёсий тизими характери, маънавий-маданий тараққиёти хусусиятлари контекстида баҳолаш керак.

Инсониятнинг доимий ўсиб борадиган иқтисодий эҳтиёжларини қондиришга, сиёсий мавқеини

мустахкамлашга, ҳаёт тарзини ўзгартиришга интилишлари ижтимоий фаолият қўламини, маконини кенгайтиришга олиб келган. Бунда ҳарбий куч ишлатиш натижасидаги “зўраки-мажбурий глобаллашув” муайян сиёсий манфаатларга мос бўлса, унинг акси “ихтиёрий-эркин глобаллашув” умуминсониятнинг объектив эҳтиёжларидан келиб чиқиб, манфаатлари умумийлигига, демократик ва гуманистик тамойилларга асосланиши – оқибатлари характерини белгилаб берган. Бошқача қилиб айтганда, ҳарбий агрессиялар, экспансиялар натижасида шаклланган “цивилизациялар” глобаллашуви жараёнининг ҳам, оқибатларининг ҳам, бу тамойилларга ҳеч қандай алоқаси йўқ, аксинча улар ихтиёрий-эркин глобаллашувнинг мазмун-моҳиятига путур етказди.

Замонавий цивилизациялар глобаллашув жараёни, инсоният тарихий тараққиёти истикболини белгилайдиган ижтимоий феномен сифатида, фақат XX асрнинг 90-йиллардан бошлаб илмий тадқиқот объектига айланди ва махсус ўрганувчи “Глобалистика” фани вужудга келди. Ҳозир унинг назарий-методологик асослари, категориялари тизими, тушунчалари аппарати шаклланиб, тарихий босқичларини, йўналишларини, оқибатларини баҳолаш мезонларини белгилашга доир муқобил илмий таълимотлар тизими “контурлари” аниқланмоқда.

Бу таълимотларга кўра, “глобаллашув” феномени, бир томондан, инсоният цивилизацияси ривожланишининг объектив қонунияти бўлиб, унга реал имкониятлар яратмоқда. Хусусан, цивилизацияларнинг глобаллашув тенденциялари, халқаро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа муносабатлари: интеграциялашувини, универсаллашувини, интернационаллашувини детерминлаштирувчи сабаб ҳисобланади. Иккинчи томондан эса, унинг салбий натижалари трансформацияси ва глобаллашувни қатор янги ижтимоий муаммолар комплексини вужудга келтириб, мавжудларини кучайтирмоқда. Хусусан, техноген цивилизация салбий оқибатлари трансформацияси: шахс маргиналлашувини, тарихий қадриятлар меросидан беғоналашиб, уларга нигилистик муносабатини, “оммавий маданият” эскалациясини, эгоизмни, космополитизмни, индивидуализмни, этноэгоцентризм, ксенофобия ҳодисалари қўламини кенгайтириб юбормоқда.

Аммо цивилизациялар тарихи глобаллашув жараёнининг бир-бирига зид бу йўналишларда, ижобий оқибатлари устуворлигини кўрсатмоқда. Зеро, жамият тараққиётида ҳамма вақт: эзгулик ва ёвузлик, бунёдкорлик ва вайронкорлик, яхшилик ва ёмонлик, прогресс ва регресс ва бошқа антиподларда ижобий ҳодисалар устуворлиги ҳал қилувчи роль ўйнаган, яъни ақл – ҳиссиётлардан, умуминсоний манфаатлар – индивидуал-шахсий манфаатлардан юқори қўйилган. Булардан ташқари, ҳозирги замонда дунё глобал цивилизациясини географик жиҳатдан, шартли равишда, “Ғарб” ва “Шарқ”га ажратиш асосида ҳам, уларнинг техноген ривожланиш даражаси асосий мезон ҳисобланади.

Техноген цивилизация глобаллашув жараёнининг ижобий натижалари, нисбатан универсал умуминсоний нормалар шаклланишига асос бўлаётган ҳозирги шароитда, “цивилизациялашган дунёлар” ўртасидаги зиддиятлар кескинлашувини, уларнинг маънавий-маданий “қашшоқлиги”, ноқислиги, номукаммаллиги тарзида баҳолаш керак. Яъни қарама-қарши эҳтиёжлар, манфаатлар ва тенденциялар “цивилизациялар тўқнашув”га, қадриятлар

конфликтларига сабаб бўлмоқда [3:9-10]. Агар, бу зиддиятлар дунёдаги турли этник ва конфессионал бирликларнинг тарихий шаклланган: сиёсий мавкеи, иқтисодий аҳволи, маънавий-маданий қадрият мўлжаллари контекстида таҳлил қилинса, умуман цивилизация йўналишлари, айниқса, техноген цивилизация ривожланиш босқичлари ва оқибатлари ҳақидаги қарашларни конкретлаштиради ва уларнинг трансформацияси мазмунини, моҳиятини, функционал аҳамиятини тўғри англашга ёрдам беради.

Техноген цивилизация натижалари трансформацияси ва глобаллашуви миллий қадриятларнинг умуминсоният эҳтиёжлари ва манфаатлари асосида интеграциялашувини, синтезлашувини кўрамиз. Яъни цивилизациялар глобаллашувида миллий маънавий-маданий қадриятлар трансформацияси объект-субъект муносабатларини диалектик синтезлаштирувчи омил ҳисобланади. Шунга кўра, техноген цивилизация глобаллашуви, бир томондан, муайян ижтимоий маконда, миллий қадриятлар трансформациясининг технологик интеграциялаштирувчи потенциални намоён қилади. Иккинчи томондан эса, инсониятнинг ижтимоий муносабатлари глобаллашуви даражасини, жаҳон ҳам жаҳияти маънавий интеграцияси босқичини белгилайдиган асосий мезон функциясини бажаради. Бунда техноген цивилизация натижаларининг трансформациясини уларга ҳам асос, ҳам натижа сифатида қараш керак.

Техноген цивилизация глобаллашуви турли халқлар, миллатлар маънавий-маданий қадриятлари интеграцияси натижасида содир бўлади. Шу билан бирга, глобал техноген цивилизация натижалари трансформацияси: маҳаллий, миллий, ҳудудий маданиятлар интеграциялашувини намоён қилади. Мазкур жараёнларнинг асосида умуминсоний универсал-интегратив маънавий қадриятларга эҳтиёж ва уни қондиришга йўналтирилган ижтимоий ҳаракатлар тизими ётади. Шу нуқтаи назардан, маънавий-маданий интеграциянинг ҳосиласи бўлган техноген цивилизация трансформацияси ва глобаллашуви, инсоният келажагини сақлаб қолишини детерминлаштирувчи омилларидан биридир.

Лекин мавжуд оламшумул муаммоларни ҳусусан, техноген цивилизация салбий оқибатларини бартараф этиш, фақат халқаро ҳамжамятнинг ҳамкорликда ҳал қилиниши, муқобили бўлмаган аксиоматик ҳақиқат ва турғун постулат мақомига эгадир. Зеро, глобал муаммолар ечими – дунёдаги барча давлатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар ҳамда халқларнинг ўзаро келишилган яқдил амалий ҳаракатларини тақозо қилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганидек “Барчангизга аён, ҳозирги кунда дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олмоқда. Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзот асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий қадриятларга путур етказмоқда” [4], деган ҳулосаси бу соҳада ҳам халқаро ҳамкорликни тақозо қилади.

Аммо, ҳозирча, объектив ва субъектив сабабларга (асосан, турли баҳоналарга) кўра, бунга ҳозирча эришишнинг имконияти бўлмаяпти. Чунки, юқорида айтганимиздек, ҳар бир миллат, давлат, минтақанинг ўзига хос “ментал эҳтиёжлари”, уларни қондиришнинг потенциал имкониятлари, глобал муаммолар ечимидан индивидуал манфаатдорлиги мавжуд. Шунинг учун ҳозирги давр глобал муаммолар тизимини туркумлаштириш, уларни ҳал қилиш тамойиллари ва тартибини: маҳаллий, миллий ва ҳудудий эҳтиёжларни, индивидуал манфаатларни эътиборга

олиб аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда оламшумул муаммолар ечимига муқобил ёндашувларни умуминсоний гуманизм ва демократия тамойилларга кўра ташкил қилишда техноген цивилизация трансформациясининг потенциал имкониятларидан фойдаланиш масаласи, ҳозирча очик қолмоқда.

Халқаро ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий муносабатлар кескинлашаётган ва глобаллашаётган шароитда: “цивилизациялар диалоги ва халқаро маданий алоқаларнинг янги даражаси” [5:20] ёки “иқтисодиёт ва сиёсат ривожланишининг олий босқичи, маданият ривожланишининг эса, бошланғич ҳолати” [6:55], деган таърифларни цивилизациялар салбий оқибатлари контекстида қарайдиган бўлсак, уларни бартараф қилишнинг назарий-методологик асослари воқеликдан ажралган, декларатив характерга эгалигини кўрамиз. Чунки ҳар қандай цивилизация трансформацияси ва глобаллашувини универсал рационал мақсадига мувофиқлик тамойилига кўра баҳолашда (ҳозирча, аниқ мезонга ёки унинг тизимига эга бўлмаса ҳам) умуминсоний гуманистик мазмуни ва демократик характерининг устуворлиги, доминант детерминлаштирувчи омиллиги асосий кўрсаткич сифатида эътиборга олиниши керак.

Айрим олимлар томонидан техноген цивилизация глобаллашувининг ижобий ва салбий оқибатларини инсоният тарихий тараққиёти давомида шаклланган ҳаёт нормаларини, анъаналарини ҳамда кишиларнинг, халқларнинг анъанавий ҳаёти ва тафаккур тарзини бузувчи – аномал глобаллашув ва уларнинг ҳаёти асосларини таъминлаш системасини яратувчи – эффектив-рационал глобаллашув жараёнларини фарқлаш ҳақидаги фикрари муҳим назарий-методологик аҳамиятга эга [7:416]. Лекин, аномал глобаллашувнинг том маънодаги цивилизация билан ҳеч қандай умумийлиги йўқ, балки инсоният тарихида ижтимоий-иқтисодий ва бошқа ҳаёт соҳаларининг цивилизациялашмаганлиги белгиси, кўрсаткичи сифатида эътироф этилиши керак. Шунингдек, техноген цивилизацияни эффектив-рационал глобаллашув нуқтаи назаридан баҳолаш ҳам нисбий ва шартлидир. Шунга кўра, цивилизацияларнинг “эффективлик”, “рационаллик” мезонлари, микдорий индекслари динамик ўзгарувчанлигини, ижтимоий макон ва тарихий замон хусусиятларини эътиборга олиб, конкрет дифференциаллашган-индивидуал ёндашувни тақозо қилади.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч”, деган китобида глобаллашув феноменининг ижобий ва салбий жиҳатларини ҳар томонлама чуқур ёритиб берган. Ҳусусан, ижобий томонлари ҳақидаги фикри бевосита техноген цивилизация глобаллашувига бевосита тааллуқлидир, яъни: “Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин. Айниқса, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда умумлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши – табиийки,

буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда”[8:111-112], деб таъкидлайди.

Дарҳақиқат, бу хулосани мазкур мақола мавзуси доирасида кўриб чиқсак, техноген цивилизация глобаллашуви: биринчидан, умуминсониятнинг турмуши ва тафаккур тарзини, умуман маданият, хусусан технологик маданият асосида ташкил этиш усули, воситаси ҳисобланади; иккинчидан, миллий техноген цивилизацияларнинг глобал жараёнга интеграциялашуви тарихий шаклланган объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар бирлигини таъмин қилади; учинчидан, жамиятда техноген цивилизация глобаллашуви жараёнига адекват бўлган ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизими шаклланиши, унинг асосий шартлари ва детерминлаштирувчи омиллар; тўртинчидан, техноген цивилизациянинг инсон ижтимоий фаолияти соҳаларига ижобий таъсирини баҳолашда, унинг универсал регулятив функцияси ва реал имконияти нуктаи назаридан қараш керак; бешинчидан, инсоният тарихининг ҳозирги босқичида вужудга келган глобал муаммолар тизимини техноген цивилизация натижалари трансформациясини оқилона ташкиллаштириш, бошқариш орқали, уларнинг салбий оқибатларини бартараф қилиш ва олдини олиш мумкин.

Глобаллашув жараёнининг ижобий ва салбий оқибатлари ҳақидаги муқобил фалсафий таълимотлар, инсоният цивилизацияси келажагини сақлаб қолишдан иборат умуминсоний муаммолар ечимида: мавсумий декларатив чақириқлардан, мавжуд этнозоистик, этнозоцентристик стереотиплардан воз кечиш, халқаро ҳамжамиятнинг амалий фаолиятга ўтиш заруриятини эътироф қилиш масаласида умумий консенсусга – яқдил хулосага келмоқдалар. Бироқ, цивилизациялар маънавий парадигмалари, мафкуравий постулатлари динамик ўзгаришлари билан инсоннинг глобаллашаётган жараёнларга адаптация имкониятлари ўртасида узилишлар аниқ кўзга ташланмоқда.

Шунга кўра ҳозирги даврнинг асосий талаби техноген цивилизация глобаллашуви коммуникатив-интегратив функциясини миллатлараро маънавий-маданий муносабатлар интеграциясини конструктив-рационал ташкиллаштиришдан, тарихий меросларини сақлаб қолиш ҳамда ижодий ривожлантиришдан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки ҳар қандай цивилизациянинг атрибутив ўзаги бўлган “маънавият ҳар доим тўлдирилиб туриладиган узлуксиз жараёндир. У ўзгариб боровуви замон билан, унинг зарурий талаб ва эҳтиёжлари билан узвий диалектик боғлиқликда ўзгариб такомиллашиб бораверади. Маънавият узлуксиз ҳаракатдаги жараёндир. Фикр, тафаккур, ҳис-туйғу тиним билмаганидек, уларнинг маҳсули ўлароқ маънавият ҳам доим ўзгариш ва янгилашишда бўлади” [9:302].

Техноген цивилизация глобаллашуви жараёнини ҳам, миллий ва умуминсоний кадрлар интеграцияси йўналишларини ҳам, оқибатларининг ижобий ёки салбий характерини ҳам белгилаб беради. Шунингдек, техноген цивилизация глобаллашувига ва халқаро маънавий-маданий муносабатлар интеграциясига эҳтиёж – умуминсониятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳалардаги стратегик ҳамкорлик йўналишларини ҳам, тактик вазибаларини ҳам конкретлаштиради. Лекин дунёдаги барча давлатларнинг техноген цивилизация глобаллашуви умумий тамойилларига бирдек амал қилмасликлари, юморида айтганимиздек, уларнинг утилитар-меркантил этнозоистик ва эгоцентристик манфаатларини мутлақлаштириши оқибатидир. Бошқача қилиб айтганда, техноген цивилизация оқибатлари глобаллашувидан манфаатдорлиқнинг

дифференциаллашувини ҳам, уларнинг натижаси, деб баҳолашни керак.

Умуман, дунё миқёсида глобаллашув жараёнининг салбий оқибатлари кескинлашаётган шароитда умуминсоний ва миллий манфаатларни уйғунлаштириш асосида глобал барқарор ривожланишини таъминлаш – халқаро муносабатларнинг бош стратегик мақсадини ташкил қилади. Бунда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг миллий моделлари техноген цивилизация глобаллашуви ва маънавий-маданий интеграция жараёнларидан мустақил амалга ошмайди. Аксинча, глобал барқарор тараққиётнинг муқобил миллий моделлари давлатлар ўртасидаги: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларни кучайтириш ва кенгайтириш заруриятини эътироф қилиш нуктасида умумий хулосага келмоқдалар.

Бу методологик тамойилга асосланиб айтганда, биз тадқиқ қилаётган мавзу доирасида, техноген цивилизация глобаллашуви халқаро муносабатлар интеграциясининг (соҳаларидан қатъий назар) асосий ривожланиш тенденцияларини, уларнинг ижобий натижаларини белгилаб бермоқда, яъни: биринчиси – дунёдаги турли давлатлар ва миллатлар ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабат парадигмаларининг: умуминсоний универсал тамойилларини, халқаро ҳуқуқий асосларини, маънавий-ахлоқий нормаларини, сиёсий механизмларини шакллантирмоқда; иккинчиси – халқаро муносабатларни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишнинг глобал институционал тизими структурасидаги функционал алоқадорлик кўлами кенгаймоқда; учинчиси – миллатларнинг техноген цивилизациялар глобаллашувига мос: фан, техника, технология, интеллектуал салоҳият ривожланишида умуминсоний-гуманистик ва демократик қадриятлар устуворлигини англаш ва уларга интилиш жараёни кучаймоқда. Бу тенденцияларнинг умумий мақсади – ҳар бир миллатнинг ўз тарихий ментал хусусиятларидан келиб чиқадиган (ҳар қандай ташқи таъсирларга қарамасдан) демократик-ҳуқуқий давлатини ва фуқаролик жамиятини қуришдан иборат. Зеро, ҳозирги даврда техноген цивилизацияни глобаллаштирувчи халқаро институционал тизимни, қонуний-ҳуқуқий асосларни, маънавий-ахлоқий нормаларни, сиёсий механизмларни, умуман барқарорлигини детерминлаштирувчи объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар уйғунлигини таъминлаш, унинг салбий оқибатларини бартараф қилишда муҳим амалий аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, глобал техноген цивилизациянинг ижобий ва салбий натижалари трансформациясининг жамиятга таъсир йўналишлари ва имкониятлари: биринчидан, техноген цивилизация трансформацияси ва глобаллашувидан ҳар қандай миллий давлатнинг халқаро мавқеи ва мақоми, унинг жаҳон ҳамжамияти билан: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳамкорликдан манфаатдорлигига; иккинчидан, тарихий шаклланган миллий техноген цивилизация анъаналарини, меросини сақлашига, дунё халқлари тажрибаларининг трансформацияси ва ижодий ривожлантирувчи объектив шарт-шароитлари субъектив омиллари етуклигига; учинчидан, техноген цивилизация глобаллашувининг объектив характерини, заруриятини, имкониятларини англаш асосида, унинг тенденциясини, трансформацияси йўналишларини прогностлаштириш вазибаларини белгилашга; тўртинчидан, умуминсоний ва миллий қадриятлар интеграциясини глобал техноген цивилизация манфаатлари билан

уйғунлаштиришнинг конструктив усуллари, рационал воситалари яратилган; бешинчидан, техноген цивилизация глобаллашувининг муҳим субъекти

бўлган миллий давлатлар бошқарув тизими демократик характериға боғлиқ бўлади.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалиқ қоидаи бўлиши керак. -Т.: «Ўзбекистон», 2017. 52-б.
2. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. -Тошкент: "Янги аср авлоди", 2008. 201-б.
3. Аксёмов Б.В. Столкновение цивилизаций как конфликт между традиционностью и современностью. // «Идентичность и диалог культур в эпоху глобализации». Материалы Международной научно-практической конференции. -Бишкек: 2007. -С. 9-10.
4. Мирзиёев Ш.М. "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. 2017 йил 30 июн.
5. Махкамова Д. Центральная Азия и страны Востока на пути сотрудничества и диалога культур. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2004. № 2. -С.20.
6. Адилходжаева С.М. Глобализация и вопрос устойчивого развития государства. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 2008 № 3. -С. 55.
7. Кузнецов В. Геокультура. Основы геокультурной динамики безопасности в мире XXI век: культура сеть. -М.: Книга и Бизнес, 2003. -С. 416.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Тошкент: «Ўзбекистон», 2008. 111-112-б.
9. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. -Т.: 1999. 302-б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада техноген цивилизация глобаллашув натижасида, унинг ижобий ва салбий оқибатлари, глобал маънавиятни шакллантириш муаммоси "ментал эҳтиёжлар" контекстида таҳлил қилиниб, универсал-умуминсоний қадриятларнинг ривожланиш қонуниятлари, объектив шарт-шароитларини, субъектив омилларини ривожлантиришнинг назарий-методологик аҳамияти, амалий йўналишлари кўрсатилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются объективные условия и субъективные факторы глобализации результатов, глобализации техногенной цивилизации и её позитивные и негативные последствия в контексте "ментальные потребности" и анализируются теоретико-методологические значения и практические направления и изменения этого процесса.

SUMMARY

The article deals with objective conditions and subjective factors of globalization of the results and technogen civilization and its positive and negative results in the context «mental requirements». The author analyses theoretical-methodological meanings and practical directions and changes of this process.

Huqıqtanıw



Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси ҳузуридаги нодавлат, нотижорат ташиқлотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг «Ҳаракатлар стратегиясини ёшларимиз билиши керак!» лойиҳаси доирасида чоп этилмоқда.

HARAKATLAR STRATEGIYASI ASOSIDA TA'LIM VA FAN SOHASIDAGI QONUNCHILIK HAMDA ILK ISLOHOTLAR

T.Kudaybergenova – *pedagogika fanlari nomzodi, dotsent*
Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

Tayanch soʻzlar: harakatlar strategiyasi, taʼlim, fan, akademiya, maktabgacha taʼlim muassasalari, oʻquv reja.

Ключевые слова: стратегическое движение, преподавание, наука, академия, дошкольное образовательное учреждения, учебный план.

Key words: strategic action, teaching, science, academy, preschool establishment, curriculum.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi Farmoniga asosan 2017-2021 yillarda Ўзбекистон Республикасини rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi tasdiqlandi.

Farmon bilan 2017–2021 yillarda Ўзбекистонni rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini amalga oshirish bo'yicha Milliy komissiya, shuningdek ustuvor yo'nalishlarni amalga oshirish bo'yicha komissiyalar tashkil etildi. Milliy komissiyaga Prezidentning o'zi rahbarlik qiladi. 2017–2021 yillarda Ўзбекистон Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi mohiyatiga ko'ra, jamiyat hayotining barcha sohalaridagi **tizimli islohotlarning "yo'l xaritasi"**ga aylandi.

Harakatlar strategiyasi ijrosi doirasida shu yilning o'zida 20 dan ortiq qonun va 700 dan ziyod qonunosti hujjatlari qabul qilindi [2]. 2017–2021 yillarda Ўзбекистонni rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha harakatlar strategiyasida o'rin olgan to'rtinchi ustuvor yo'nalish **«Ijtimoiy sohani rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari»** deb nomlanadi.

Ushbu yo'nalishda asosan 5 ta harakat ko'zda tutilgan.

Ta'lim va fan sohasini rivojlantirish ushbu yo'nalishdagi to'rtinchi harakat.

SH.M.Mirziyoevning Ўзбекистон Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo'shma majlisidagi nutqida ta'kidlanganidek, «Asosiy vazifa – bu yuqori kasb mahorati va zamonaviy tafakkurga ega, puxta o'ylaydigan, har tomonlama to'g'ri qarorlar qabul qila oladigan, belgilangan maqsadlarga erishadigan rahbarlar va mansabdor shaxslarning yangi tarkibini shakllantirishdan iborat». Ushbu vazifa esa faqat ta'lim va fan sohasini rivojlantirish orqali etuk malakali kadrlar tayyorlash yo'li bilan amalga oshiriladi. SHuning uchun to'rtinchi harakat o'z ichiga quyidagilarni qamrab oladi:

- uzluksiz ta'lim tizimini yanada takomillashtirish yo'lini davom ettirish, sifatli ta'lim xizmatlari imkoniyatlarini oshirish, mehnat bozorining zamonaviy ehtiyojlariga muvofiq, yuqori malakali kadrlar tayyorlash;

- ta'lim muassasalarini qurish, rekonstruksiya qilish, kapital ta'mirlash, ularni zamonaviy o'quv-laboratoriya uskunalari, kompyuter texnikasi va o'quv-metodik